



Ўзбекистон: Муддатли ҳарбий хизматчи Асадбек Файзуллаев шубҳали ҳолатда вафот этди

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган 20 ёшли Асадбек Файзуллаев 2021-йил июл ойида Ўзбекистон жанубида, Афғонистон билан чегарадош Термиз шаҳри яқинидаги ҳарбий қисмда ҳарбий хизматни ўтаётиб вафот этган. Расмийлар унинг Термиз вилоятидаги Амузанг каналида чўкиб ўлганини даъво қилмоқда, бироқ ота-онаси ва Асадбекнинг жасадини дафн этишга тайёрлаган шахс унинг танасида синиш, жароҳат ва кўкаришларни борлигини кўрган, булар вафотидан кейин ўтказилган суд-тиббий экспертизаси давомида қайд этилмаган.

Марказий Осиёда Инсон ҳуқуқлари ассоциацияси (Association for Human Rights in Central Asia (AHR-CA)) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик ташкилоти (International Partnership for Human Rights (IPHR)) Асадбек Файзуллаев ўлимидан олдин шафқатсизларча жисмоний тажовузга учрагани ва армия зобитлари унинг ўлими ҳолатларини яшираётгани ҳақидаги даъволардан хавотирда. Ташкилотлар Ўзбекистон расмийларини зудлик билан Асадбекнинг ўлими ҳолатлари, унинг синиш ва тан жароҳатлари келиб чиқиши бўйича самарали тергов бошлаш, жасадини эксгумация қилиш ва ҳар томонлама суд-тиббий экспертизадан ўтказишга ва унинг ўлимига алоқадорликда гумон қилинган ва унинг ўлими ҳолатларини яширган ҳар қандай шахсни жавобгарликка тортишга чақиради.

Асадбек 2021-йил март ойида ҳарбий хизматга чақирилиб, Термиз шаҳридаги 9221-ҳарбий қисмда хизмат қилган. Асадбек ўз онасига ташрифлар чоғида бир неча офицерлар уни калтаклашлари ва бошқа таҳқирлаш усулларига дучор бўлаётганликларини айтиб, уни ўз шаҳарларидаги нуфузли шахсдан аралашини сўрашга ундаган.

2021-йилнинг 26-июл куни Асадбекнинг онаси ўғли хизмат ўтаётган ҳарбий қисм ходимидан Асадбек сув олиб келиш учун қисмдан чиқиб кетгани ва қайтиб келмагани ҳақида СМС хабар келди. Эртаси куни у Асадбекнинг укаси билан ўзлари туғилган Жиззах шаҳридан 500 километр жанубда жойлашган Термизга жўнаб кетишди. Улар етиб келгач, ҳарбийлар Асадбекни ҳали топа олмаганликларини айтиб, шаҳардаги меҳмонхонага олиб кетишди. Эртаси куни эрталаб, 28 июл куни тунда хоналари ташқарисида турган учта кўриқчи она ва унинг кенжа ўғлига улар билан боришни айтишди. Тахминан ўн дақиқадан сўнг офицер Асадбекнинг онасига кўнғироқ қилиб, унинг жасади Амузанг каналида топилганини айтди.

Асадбекнинг онаси ўғлининг жасадини кўришни талаб қилди. Тахминан 15 нафар ҳарбий хизматчи Амузанг канали қирғоғида жасад атрофида туришган ва уни яқиндан текширишга тўсқинлик қилишга уринганлар. Асадбек эгнида шим, этик ва қўлида соат бўлган - бу маълумот



ҳарбийлар томонидан кейинроқ олға сурилган Асадбек ва унинг сафдоши сув олишга боргани ва ёз жазирамасида салқинлаш учун чўмилишга қарор қилгани ҳақидаги тахминий фикрга зиддир. Асадбекнинг онаси, собиқ жарроҳлик ҳамшираси унинг оғзидан қуриган қонни кўрди; чап томонда синган ва юқорига бурилган кўринадиган қовурға; унинг жағи ўнг томони кўкарган ва чиқиб кетган кўринишга эга эди. Ҳарбийлар жасадни ёриб текширишга олиб боришдан олдин, у ушбу ҳужжатни чиқарган ташкилотлар томонидан кўрилган баъзи фотосуратларни ва қисқа видеони суратга олди.

Кейинроқ, 28 июл куни Асадбекнинг онаси ва укаси Термиз шаҳридаги Сухардарё туман прокуратурасига ариза ёзиб, унинг ўғлининг ўлими ҳолатларини текширишни талаб қилиш учун борган. Шунингдек, у прокуратурага Асадбек ҳарбий қисмда тазйиқга учраганини ва калтакланганини айтган. Шундан сўнг, оила ҳарбий прокуратура ва Бош прокуратурага Асадбекнинг ўлими ҳолатларини ўрганишни сўраб, аризалар жўнатган.

28 июл куни Асадбекнинг жасади дафн қилиш учун ўзи туғилган Жиззахга олиб келинган. Асадбекнинг отаси 29 июл куни ўзи ишлаган Москва шаҳридан Жиззахга келган. Унинг АНРСАга айтишича, у келган пайти Асадбекни таниб бўлмасди. Жиззахда ҳаво ҳарорати 40 даражадан юқори бўлса-да, унинг танаси целлофан билан ўралган эди. Бу парчаланишни тезлаштириш ва Асадбекнинг жароҳатларини камроқ кўриш учун қилинган деган даъволар бор.

Жасадни дафн этишга тайёрлаётган одам Асадбекнинг отасига Асадбекнинг чап қўлининг ярми кесилганини; ўнг қўлининг учта бармоғи синган; бошнинг орқа қисмида очиқ яра ва қўл ва оёқлари кўкарганини кўрганини айтди.

24 август куни Асадбекнинг ота-онаси Термиз ҳарбий прокуратурасига борган ва у ерда биринчи марта Асадбекнинг сувга чўкиб кетгани ва қонида алкоголь борлиги ҳақидаги отопси ҳужжати кўрсатилган. Унинг танасида синиш ёки жароҳатлар ҳақида ҳеч нарса айтилмаган.

30 август куни Термиз ҳарбий прокуратураси оиланинг Асадбекнинг ўлими юзасидан тергов ўтказиш тўғрисидаги илтимосини унинг сувга чўкиб кетгани ва жиноят далили ёқлигини айтиб, рад этди. Асадбекнинг ота-онаси шикоят қилишда ва эксгуматсия қилишни талаб қилишда давом этишди, аммо натижа бўлмади.